



39 (1190)-сон 1 октябрь 2014 йил
Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Бахтиёр КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси:
УСТОЗЛИК — ЭНГ УЛУФ МАҚОМ



4



6



**УЧТАЛИК
СКРИПКА**

7

**СИЗГА ТАЪЗИМ, СИЗГА ЭҲТИРОМ,
МУҲТАРАМ ЎҚИТУВЧИ ВА МУРАББИЙЛАР!**



Муҳаммадкарим ШОМУРОДОВ
сурат-лавҳаси.

Гулистон шаҳридаги 1-сонли вилоят хорижий тилларга ихтисослашган мактаб-интернатида кўп йиллардан бери ёшларга француз тилидан сабоқ бериб келаётган халқ таълими аълочиси, олий тоифали ўқитувчи Одилжон Мингжигитов ўзларининг касб байрамларини ҳар галгидек иқтидорли шогирдлари даврасида кутиб олаётир. Фидойи ва жонкуяр устознинг билимга чанқоқ ўқувчилари турли нуфузли фан олимпиадаларида муносиб ўринларни эгаллаб келишаётгани Одилжон акага фахр бағишлайди.

ҲИКМАТ

Кимки жаҳон аҳлида
инсон эрур,
Билки нишона анга
иймон эрур.
Алишер Навоий

МАСЛАХАТЧИ ВА ҲИТОВЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ҳитовчи ва мураббийлар куни арафасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан пойтахтимиздаги "Галаба" номли маҳалла ҳудудида жойлашган Тошкент Молия институти қошидаги 2-сонли академик лицейда "Қувнок стартлар" мусобақаси ўтказилди.

Мазкур мусобақада лицей ўқитувчилари ҳамда пойтахтимиз маҳаллалари маслаҳатчиларидан ташкил топган 3 та жамоа ўзаро куч синашди. 25-50 ёшдаги 18 нафар хотин-қизлар иштирокида ўтган беллашув қизгин курашларга бой бўлди.

— Мамлакатимизда аёллар

ўртасида спортни омалаштириш, жисмоний тарбия билан шуғулланишни аҳолининг кундалик ҳаёт тарзига айлантириш ва шу орқали хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш масаласи устувор вазифалардан бирига айланган, — дейди мазкур академик лицейнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Азиза Рашидхўжаева. — Бу каби тадбирлар хотин-қизлар ўртасида спортни кенг тарғиб этиш ҳамда маҳаллаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилади.

Мусобақада фаол катнашган жамоаларга Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Маданият ва

Тадбир

спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жағфармаси, "Соғлом авлод учун" ҳалқаро хайрия фонди ҳамда Олмазор туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Элмира Боситхнова иштирок этди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА,
"Оила ва жамият"
муҳбири.

ИСТЕЪДОДЛАР НАМОЙИШИ

Ўғил-қизларнинг истеъдодини қўллаб-қувватлаш, иқтидорини юзага чиқаришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилаётган ижодий фестиваллар, фан олимпиадалари, кўрик-танловлар ҳар йили минглаб билимли, изланувчан ва иқтидорли болаларни кашф этмоқда.

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Қамалак юлдузлари — 2014" фестивалининг туман, шаҳар ва вилоят босқичлари бошланди.

Қувонарлиси, бундай кўрик-танловлар ва ижодий фестиваллар болаларни янада кенгроқ билим олиш-

га, янги-янги ютуқлар сари интилишга ундамоқда.

Юртимизда 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган иқтидорли болалар ўртасида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Қамалак юлдузлари" ижодий фестивали ҳам истеъдодларнинг янги авлодини кашф этишда ўзига хос ўрин тутмоқда ҳамда чин маънода истеъдодлар намоийшига айланиб бормоқда.

Айни кунларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ўтказилаётган саралаш босқичларида юртимизнинг минглаб фарзандлари мумтоз мусиқа, миллий чолғулар ижрочилиги, хонандалик, тасвирий ва амалий санъат, бадиий ижод каби йўналишлар бўйича ўз билим ҳамда истеъдодини намоийш қиладилар. Саралаш босқичи голиблари фестивалнинг мамлакат босқичида иштирок этиш имконига эга бўладилар.

Ўз муҳбиримиз.

ФИДОЙИЛАР МАСКАНИ

Сирдарё туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактаби директори Зулхумор Холиқованинг бетакрор сабоқларини тинглаётган ўқувчилар кўз олдига юртимизнинг шонли ва шавкатли тарихи бор бўйи билан жонланади. Дарс ўтиш услуби, шогирдларининг ютуқлари, ташкилотчилиги билан вилоятдаги ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонган бу фидойи инсон Ватанимиз Мустақиллигининг 23 йиллик шодиёналари арафасида муҳтарам Президентимиз Фармонига биноан "Фидокорона меҳнатлари учун" ордени билан тақдирланди.

— Ҳазрат асли Янгиер шаҳрида туғилганман, — дейди Зулхумор опа. — Дадам Абдувоҳид Маматқулов ҳўжалик бошқарувчиси эди. Онам Норой опа уйда бизнинг тарбиямиз билан машғул бўлганлар. У кишини тиниб-тинчиб ўтирганларини сира кўрмаганман. "Муаллимлик, айниқса, қизлар учун жуда яхши касб, онанинг билимли ва кенг фикрли бўлиши эса бола тарбиясида муҳим", дердилар дадам. Кейинчалик мен Сирдарё (ҳозирги Гулистон давлат университети) давлат педагогика институтининг тарих факультетига ўқишга кирдим. Институтни битирганимдан кейин Зомин туманидаги 21-умумтаълим мактабиде иш бошладим. Ҳақиқатда бошланғич синф ўқитувчилари етишмас экан-да, менга ҳамжи болажонлар синфини топширишган. Кейин, тақдир тақозоси тўғриси, Сирдарё туманидаги Ҳамза номли қишлоққа келин бўлдим.

Турмуш ўртоғим Фуломқодир Холиқов Тошкент ирригация ва мелiorация институтини тугаллаган. Ҳаётнинг пасту баланд йўлларида бир-биримизга сўяндиқ, далда бўлдиқ. Уч нафар ўғлимиз бор. Уларни вояга етказишда онамнинг қайнонамнинг ўғитларига амал қилдим. Фарзандларим Жамол, Камол, Алишер ҳам ҳаётда ўзла-

рининг муносиб ўринларини топшиди. Болаларим ёш пайтида ҳам уйда ўтириб қолмадим. Чунки мактабни, касбимни жуда яхши кўрардим. Мени тушунган Фуломқодир ака яқиндан ёрдам берди. Баъзан уйда, ўзим билмай, товушимни кўтариб юборсам: "Ҳай-ҳай хоним, уйда директорлигингизни қилманг", деб кулардилар. Бунга қарангки, ишга берилиб кетганимдан, катта ўғлим Жамол олий даргоҳни битириб, уйланаётганида, бир қизни кўриб келиб: "Ойи, сиз ҳам кўрасизми?"



деса "Ўзинг кўравер, сенга ёқса бўлгани, у билан сен яшайсан", дебман. Шукурки, ўғлим турмуш ўртотқ танлашда адашмади, ҳозирда икки ўғлимдан уч неварам бор.

Эришган ютуқлари ҳақида гап кетса, опа энг аввало, шогирдларини эсга олади.

— Менинг энг катта ютуғим ҳам, бойлигим ҳам шогирдларим, — дейди кўзлари чакнаб. — Бугунги кунда шогирдларим орасида 20 га яқин тарих ўқитувчиси бор. Улар билан ҳақли равишда гурурланаман. Бир мактабда 33 йил ишладим, Аҳил ва ҳамжиҳат жамоани шакллантиришга ҳаракат қилдим. Ҳозирда институтларга кириш бўйича мактабимиз

битирувчилари нафақат туман, балки вилоятда ҳам энг яхши бешлик сафиде турибди. 2001-2005 йилларда "Сиз тарихни биласизми?" республика кўрик-танловларида мактабимиз ўқувчилар жамоаси биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган эди. Айни пайтда ўша жамоадаги 15 нафар йигит-қиз институтларда таҳсил олиб, муносиб кадр сифатида фаолият юриштиermoқда.

Энг қувончлиси, биз — бугунги ўқитувчилари бахтли ва саодатлимиз, деб айтишга тўла ҳақлимиз. Чунки камтарона хизматларимиз Юртбошимиз, ҳукуратимиз томонидан юксак қадрланмоқда. 2006 йилда мен "Дўстлик" ордени соҳибаси бўлган эдим. 2007 йилда мактабимизнинг 5 нафар ўқитувчиси "Халқ маорифи аълочилиси" нишонини олди. Бу йил мамлакатимиз Мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида мукофотланганлар орасида ҳам ўқитувчи ва мураббийлар кўпчилигини ташкил этади. Буларнинг барчаси мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш, фарзандларимизнинг билим олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши йўлида кўрсатилаётган бекиёс гаҳўрликнинг ажойиб намунасиридир.

Зулхумор опа сўхбат орасида жонқуяр ҳамкасблари — география муаллимаси Саодат Мухаммадиева, Марҳаб Абдурахмонова, химия-биология фани ўқитувчиси Санобар Шодмонқулова, инглиз тили ўқитувчилари Дилфуза Тўрақулова ва Сайёра Ҳайитқулова, математика фани ўқитувчиси Зулфия Мамадалиева ва бошқалар ҳақида ҳам фахрланиб гапираркан, эл фарзандларини ўз боласидек меҳр билан тарбиялаб, ютуқларидан қувониб яшаш бахти насиб қилган бу аёлга чин дилдан ҳавасим келди.

Зебо ҲАЙДАРОВА,
журналист.
Сирдарё вилояти.

Қарор ва ижро

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙ ИМТИЁЗЛАР

Мамлакатимизда иқтисодий либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш, иқтисодийга инвестиция жалб қилиш борасида изчил тадбирлар амалга оширилмоқда. Тадбиркорлик субъектлари учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига доимий тусдаги солиқ имтиёзлари белгиланганлиги, шунингдек, муҳтарам Президентимизнинг алоҳида фармон ва қарорлари билан муайян муддатларга солиқ имтиёзлари берилгани соҳа ривожига алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг 2-иловасида келтирилган ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун фойда солиғи ва мулк солиғи ягона солиқ тўловлари, Республика йўл жағфармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича импорт қилинадиган, ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, республикада ишлаб чиқарилмайдиган хом ашё ҳамда материалларни божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) 2016 йилнинг 1 январигагача озод этилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги "Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, 2016 йил 1 январгача бўлган даврда асосий фаолият тури бўйича гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослаштирилган микрофирмалар ҳамда кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови ставкаси 50 фоизга камайтирилди ҳамда гўшт ва сут етиштириш, уларни қайта ишлашда фойдаланиладиган, республикада ишлаб чиқарилмайдиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга мувофиқ четдан олиб келинадиган технология ускуналари, уларнинг эҳтиёт қисмлари, ёрдамчи материаллар, таркибий қисм ва компонентларни божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинган.

Президентимизнинг 2012 йил 10 майдаги "2012-2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури тўғрисида"ги қарорининг 4-бандига кўра, 5-иловада келтирилган рўйхат бўйича хизмат кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун белгиланган фойда солиғи ҳамда ягона солиқ тўлови бўйича имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2017 йилнинг 1 январигагача узайтирилган.

Тошкент шаҳрининг Учтепа туманида мазкур қарорлар асосида белгиланган имтиёзлардан 700 тадан ортиқ корхоналар унумли фойдаланиб келмоқдалар. Жорий йилнинг биринчи ярмида имтиёзлар эвазига ушбу корхоналар ихтиёрида қўшимча равишда жами 20 миллиард сўмдан ортиқ маблағ қолдирилди. Булар тегишли тармок корхоналарини ривожлантиришга, янги иш жойларини шакллантириш, фуқароларни иш билан таъминлаш, уларнинг даромадлари ва фаровонлик даражасини оширишга, шунингдек, мамлакатимиз бозорини ўзимизда ишлаб чиқарилган арзон ва ташқи бозорда рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдиришга йўналтирилди.

Санжар ХАЛИҚОВ,
Тошкент шаҳар Учтепа туман ДСИ
бошлиғи ўринбосари.

МЕҲРИБОН МУРАББИЯ

Бир умр ўз касбига садоқат билан хизмат қилган, ёши улгайганида эса ҳамкасбларининг, шоғирдларининг ардоқли маслаҳатгўйига айланган инсонлар орамизда жуда кўп. Меҳнат фахрийси, "Халқ таълими аълочили", I-даражали "Соғлом авлод учун" ордени соҳибаси **Надежда Исхакова** ҳам ана шундай фидойи мураббийлардан бири.

1961 йилда пойтахтимиздаги 102-сонли заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда гуруҳ тарбиячиси бўлиб иш бошлаган Надежда Ишанкуловна кейинчалик мактаб-интернат раҳбари даражасига эришди. Уни яқиндан билганлар чин маънода ўз касбининг устаси деб аташади. Қахрамонимиз 50 йилга яқин мана шу даргоҳда заиф эшитувчи болаларнинг қувончу шодликларига шерик бўлди.

— Ҳар бир педагог бу масканда тарбияланаётган кўнгли ярим болаларнинг қалбига йўл топа билиши керак, — дейди **Надежда Исхакова**. — Болаларга шундай муомала қилиш керакки, токи улар ўзларини ноқулай сезмасинлар. Айюкиса, янги келган болалар бу ерга мослашиб кетиши учун алоҳида меҳрга муҳтож бўладилар. Болажонларнинг тақдирига жавобгарлик ҳиссини англаб етганларгина бу даргоҳда шунчаки кун ўтказиш учунгина ишламаётганини, қилаётган ҳар бир ишда бир олам маъно-мазмун борлигини тушуниб этади. Шу ўринда мамлакатимизда болалар саломатлиги, уларнинг билим олиши, иқтидорини намоиш этиши борасида кўрсатилаётган гамхўрликларни алоҳида таъкидлашни истардим. Дефектология соҳаси мутахассисларининг ишлаши, билим ва кўникмаларини оширишлари учун ҳам барча шароитлар етарли. Мен 1995 йилда Непалда бўлиб ўтган "Халқаро дефектологлар семинари"да қатнашдим. 1996 йилда Таиланд, Япония ва Кореяда соҳа мутахассислари билан тажриба алмашдим. 1997 йилда эса Исроилда малака ошириш курсларида ўқидим. Малакали мутахассислар тайёрлашда мана шундай имкониятларнинг

алоҳида ўрни бор. Педагог ўз соҳасининг билимдони бўлса, бу борадаги жаҳон тажрибасини ўрганиб, ўзи ҳам янгиликлар ярата бошлайди. Бу эса болаларимизнинг қобилияти ва салоҳиятини тарбиялашимиз учун жуда муҳим.

Надежда Исхакова айна пайтда нафақада бўлса-да, ҳамкасблари уни тез-тез йўқлаб, маслаҳатлар олиб туришади.

— Бу инсон ўзининг ишга



фидойи, тиниб-тинчимас, бағри кенлиги билан бизга ибрат бўла олади, — дейди **102-сонли заиф эшитувчи болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатининг маънавий таълим раҳбари ўринбосари Ёкутой Холиқова**. — Надежда Ишанкуловнанинг мактаб-интернатимиз учун жуда кўп меҳнати сингган. Мактабимизнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларга ҳар томонлама шароит яратишга ҳаракат қиларди. Худудимиз боғида шифобахш ҳамда ноёб ўсимликлар парваришини йўлга қўйиб, болалар учун беҳад гўзал табиат манзараларини яратиб берганларини айтмайсизми! Шунингдек, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ҳамда А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти билан мактаб-интернатимиз ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдаги саъй-ҳаракатлари ҳам таҳсинга лойиқ. Болаларга қулайлик яратиш мақсади-

да 1995 йилда "Она тили" ҳамда "Алифбе" китобининг ўзбек тилида таълим олаётган заиф эшитувчи болаларга мўлжалланган вариантини чоп эттирди.

Ушбу мактаб-интернатни битириб кетган ўқувчиларнинг аксарияти ҳалигача Надежда опанинг маслаҳатларига суяниб иш кўришади. Унга ўз онасига талпингандек талпинишади. Бирор ютуқни қўлга киритсалар, бу хушxabарни энг аввало шу инсон билан баҳам кўришади.

— Мактаб-интернатимиз ўқувчилари жуда қобилиятли, деган гапни Надежда опа тез-тез таъкидларди, — дейди **ушбу мактаб-интернат бош ҳисобчиси Мактуба опа Сатиева**. — Улар нафақат саҳнада мусиқа асбобларини бошқаришади, балки, кўшиқ айтиб, рақсга ҳам тушиб беришади. Надежда опанинг

раҳбарлиги остида вояга етган Олег Ошпков кейинчалик эстрада-цирк колледжиде таълим олди. Кўпгина танловларда, тadbирларда қатнашиб келмоқда. Туркия, Япония, Малайзия, Россияда бўлиб ўтган халқаро танловларда голибликни қўлга киритди. Бу каби ютуқларга эришаётган ўқувчиларимиз анчагина.

Болалар тарбияси мураккаб ишдир. Педагог учун эса бу икки карра кўп меҳнат талаб этади. Заиф эшитувчи болаларни вояга етказиш, униб-ўстириб, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш ҳаммагининг ҳам қўлидан келавермайди. Бунинг учун инсонга энг аввало, сабр-тоқат, кенг феъл ва педагогик билим керак бўлади. Надежда опада бу фазилатларнинг бари мужассам. Шу боис у халигача нафақат ўз яқинларининг, балки, ҳамкасбларининг ҳам энг яқин маслаҳатгўйи. У ўз тажрибаларини ёш педагогларга ўргатишдан ҳеч чарчамайди.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА,
"Оила ва жамият" мухбири.

СИЗ КЎЗГУСИЗ

УСТОЗ... Ана шу биттагина сўз замирида бир дунё маъно-мазмун, сирсиноат яширин. Нигора Хоназарова — пойтахтимизнинг Миробод туманидаги 214-умумий ўрта таълим мактабиде ўқув-тарбиявий ишлари бўйича директор ўринбосари. У 35 йилдан буён ёш авлодга она тили ва адабиёт фанидан сабоқ бериш билан бирга, ўзининг зукколиги, билимдонлиги, ташаббускорлиги билан обрў-эътибор топган жонқуяр мўаллималардан бири.



Устоз, биз сизни кўзгуга қиёслаймиз. Ҳаёт фаслари, илму адабдан берган бой ва сермазмун сабоқларингиз бир умр эсимиздан чиқмайди, ҳар лаҳза ёдимизга тушаверасиз. Сизнинг фалсафага бой жонли сўхбатларингизни соғинаверамиз. Қутлуг байрам билан сизни чин юракдан табриклаймиз. Биз каби юзлаб қалдирғоч шоғирдларингиз бахтига ҳамisha омон бўлинг!

Эҳтиром билан собиқ ўқувчиларингиз номидан

ШАҲОДАТ,
Тошкент шаҳри,
Файзиобод маҳалласи.

КАСБИМ —
ФАҲРИМ МЕНИНГ

Ҳар бир инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топишида, жамиятда тўлақонли шахс сифатида шаклланишида устоз ва мураббийларнинг алоҳида ўрни бор. Зеро, уларнинг кўп қирраларини, сермазмун, мураккаб фаолияти замирида ёш авлодни баркамол шахс сифатида тарбиялаш, илм-фан сирларидан бохабар эшитиш каби муҳим вазифалар этади. Шу боис ҳам бу мўътабар зотни ҳамisha кадрлаймиз, эъзозлаймиз.

Олий тоифали педагог, Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими аълочили Марал Айтжанова ўсиб келаётган ёш авлодни чуқур билим ва юксак салоҳият соҳиб қилиб тарбиялаш йўлида ўзининг иқтидор ва маҳорати, кўз нури ҳамда қалб кўрини бахшида этаётган жонқуяр мураббийлардан бири. У ўқувчиларнинг тафаккури ва тасаввурини ривожлантиришга, уларнинг интилишларига қанот беришга, иқтидорини юзага чиқаришга ҳамisha кўмакдош бўлиши ўз олдида мақсад қилиб қўйган.

Қахрамонимиз ўқитувчилик фаолиятини 1989 йили Қорақалпоғистон Республикаси Хўжайли шаҳридаги 56-мактабда бошлаган эди. Ўзининг ташкилотчилиги, ташаббускорлиги ва изланувчанлиги билан обрў-эътибор қозongan Марал Айтжанова мазкур таълим масканиде кўп йиллар самарали хизмат қилди. 2013 йилдан бери эса тумандаги 41-ихтисослаштирилган мактабда директор бўлиб ишляпти.

Замон тезкор. Бугуннинг ёшларида ахборот олиш имко-

ниятлари жуда кенг. Ўқувчиға сифатли таълим бериш, унинг билим даражасини юксалтириш учун эса ўқитувчидан замонавий ахборот технологияларини пухта ўзлаштириш, дарс ўтишининг янги-янги услубларини топиш талаб этилмоқда. Таълим тизимини ислох қилиш ва ривожлантириш мақсадида Марал Айтжанова "Синф раҳбарларининг иш ҳужжатлари ва уларни мониторинг бўйича ташкиллаштириш" ҳамда

"Ўқувчилар орасида маърифий ва маънавий ишлар натижалари" номли методик ва услубий қўлланмаларни ҳам яратди.

Дарс ўтишида интерактив усуллардан фойдаланиб, ҳар бир сабоқни мазмунли ва қизиқарли ташкил этиши натижасида бугунги кунда Марал Айтжанованинг кўплаб шоғирдлари таълим соҳасидаги қатор кўриктанловларда муваффақиятли иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллаб келишмоқда.

— Ўқитувчилик машаққатли ва ўз навбатида ниҳоятда шарафли касб саналади. Мамлакатимизда умумхалқ байрам сифатида нишонланаётган Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан ўзим ишлаётган ахли жамоа номидан юртимиздаги барча ҳамкасбларимни ушбу айём билан самимий табриклайман, — дейди Марал Айтжанова фахрга тўлиб.

Авезжон БЕКМУРОВА,
"Оила ва жамият" мухбири,
Қорақалпоғистон Республикаси.

ШОГИРДЛАР ЮТУҒИ —
БИЗНИНГ ЮТУҒИМИЗ

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг иқтидорини юзага чиқаришга кўмаклашиш, фарзандларимизнинг билимли ва салоҳиятли бўлиб улгайишларини таъминлаш борасида жуда катта гамхўрликлар қилинмоқда. 12 йиллик мажбурий таълимнинг жорий қилинганлиги эса жаҳонда ҳам учрайдиган тажриба ҳисобланади. Бу борадаги ишларнинг самарасини ҳар биримиз шоғирдларимиз, ўқувчиларимиз, фарзандларимизнинг камолида кўрапмиз.

Мен фаолият юритаётган Навоий вилоятидаги Нурота қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежиде айна пайтда 1084 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Уларнинг барчаси юртимизда ёшлар учун яратилаётган шароит ва имкониятлардан баҳраманд. Аксарияти келгусида олий ўқув юртларига кириб ўқиш истагида изланмоқда. Бу йил коллежимиз битирувчиларидан 11 нафари тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, мамлакатимиздаги турли олий ўқув юртларининг талабалари деган масъулиятли номга сазовор бўлишди. Уларнинг сафида Озода Фозилова, Зариф Яндошев, Гулзода Шодмонова, Хумора Садриддинова, Фарҳод Зокиров каби мақсад сари дадил интилувчан, изланувчан шоғирдларимизнинг борлиги бизни қувонтиради, албатта.

Шунингдек, ёшларимиз ҳаётда ўз ўрнини топишлари, тadbиркорлик билан шугулланишлари учун яратилган имкониятлардан ҳам унумли фойдаланмоқдалар. Коллежимиз битирувчиларидан 52 нафари айна пайтда тadbиркорлик фаолияти билан машғул. Шулардан Муборак Уроқова, Юлдуз Асатова, Гулзода Уролова каби 25 нафар ўқувчи ўзларининг бизнес режаларини ишлаб чиқиб, шу асосда банклардан кредит олиб, тadbиркорлик фаолиятини бошладилар.

Бундай имконият ва имтиёзлар ёшларимизни янги-янги ютуқлар сари илҳомлантираётгани шубҳасиз. Биз ўқитувчи ва педагоглар эса ўзлари учун яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланаётган шоғирдларимизнинг ҳар бир ютугини фахрланамиз.

Мавжуда НУРУЛЛАЕВА,
Нурота қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи ўқитувчиси.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 90-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси Бахтиёр Каримов мамлакатимиз Мустақиллигининг 23 йиллик байрами арафасида Президенти-миз Фармонига мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" унвони билан тақдирланди.

Бахтиёр КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси:

УСТОЗЛИК — ЭНГ УЛУФ МАҚОМ

— Бахтиёр ака, устози билан илк маротаба учрашган 1-синф ўқувчисининг юрагини ҳаяжон қоплайди. Олий ўқув юртининг аудиториясида ўтирган талабани эса бу инсоннинг қадам товушлари сергаклантиради. Таълим даргоҳларини битириб кетгандан кейин ҳам то умрининг охиригача ҳеч бир инсон устозлари сиймосини ёдидан чиқармайди. Шундай шарафли касбни танлашингизга туртки берган инсонлар ҳақида сўзлаб берсангиз.

— Отам — иқтисод фанлари номзоди Рауф Каримов (охиратлари обод бўлсин) дунёқарши кенглиги, илм-маърифатни қадрлаши билан бизга ўрнак, ибрат бўлган. Тошкент шаҳридаги 141-умумий ўрта таълим мактабининг саккизинчи синфини битирган йилим, Кўкча даҳасида жойлашган 40-умумий ўрта мактабда физика-математикага ихтисослаштирилган синф ташкил қилинди. Отамнинг маслаҳатлари билан шу мактабга бориб ўқий бошладим. У ерда тажрибали устозларим Усмон ака Орифжонов, Наби ака Расулов, Файзулла Зикриллаев, Абдужалил ака Фаёзовлардан физика, математика ва химия фанлари сабоқларини олдим. Ўзбекистон Қаҳрамони Турғун ака Азларов ушбу мактабнинг ҳам шоғирди, ҳам устози ҳисобланади.

Уша даврларда синфдошлар ўртасида яхши аъна бор эди, болаларнинг уч-тўрттаси биргаликда дарс тайёрлашарди. Уша болалар кейинчалик қалин ўртоқ бўлиб кетишарди. Етти нафар синфдош, етти қалин дўст бизникида йиғилиб, уй вазибаларини бажарардик. Бундан хабар топган ўқитувчиларим менга бироз эски доскани топиб беришди. Уни болохонамизга олиб, ўзига хос дарсхона ташкил этдим. Ўртоқларимга дарс ўтардим. Бўрни доскада тақиллатиб, масала ечаётганимни кўрган отам: "Сендан ўқитувчи чиқади-ёв, шу касбни астойдил кунт билан ўрганавер", деб насиҳат қилганлари ҳалиям эсимда.

Машхур шифокор, "Доктор-Д" клиникаси раҳбари Дилмурод Эргашев билан бир синфда ўқиганмиз. У химия-биология фанидан яхши ўзлаштирар, математикадан қийналса, мендан ёрдам сўрарди. Ўз навабатида мен химиядан сал оқсаб қолсам, у дарров тушунтириб берар-



ди. Дилмуроднинг онаси, профессор Ойша Тўраева иккаламизни етаклаб, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозир университет) га олиб бориб, физика хонасида тажриба ўтказаяётган бир уста билан таништирди. Уша инсон уч литрлик банкларни бир-бирига улаб, космик ракета-ларнинг макетини ясаётган экан. Дилмурод иккимиз уч ҳафта институтга қатнаб, макет ясаида устага ёрдам бериб, у ясаган ракетанинг биринчи парвозини кўрганмиз. Уша тажриба жараёнида ракета макетининг математик моделларини, ҳаракатланиш жараёнлари, физика фанининг математикага боғлиқ томонларини астойдил ўргандик.

— Таълим соҳасида олиб борган изланишларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.

— Ўқитувчилик касбини танлаганимдан буён оммавий ахборот воситалари билан доимий ҳамкорликда ишлаб келаялман. Газета ва журналларда таълимга доир тўрт юзга яқин мақолаларим чоп этилди. 1997 йилда информатика ҳамда иқтисодий билим асослари фанлари юзасидан 24 та мактабда тажриба-синов ишлари ўтказилди ва унинг якунида информатика фани алоҳида, иқтисодий билим асослари фани алоҳида дарс сифатида ўқув дастурига киритилди. Ушбу дастурни тайёрлашда иштирок этдим. 1993 йилда Турғун Азларов, Маҳкам Зияходжаев, Баҳодир Болтаевлар томонидан ёзилган мактаб дарсликлариде тақризчи сифатида қатнашдим. 2004-2010 йилларда Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларни ахборот коммуникацион технологиялари билан таъминлаш бўйича Осие тараққиёт банкининг катта лойиҳаси амалга оширилди. Лойиҳа асосида 860 та мактабда кластир синфлар ташкил қилинди. Унга кўра битта етакчи

синф танлаб олиниб, унинг атрофида 10-12 та мактаблар тизимга уланади. Мазкур лойиҳада мамлакатимиз томонидан маҳаллий маслаҳатчи сифатида иштирок этдим.

2007 йилда Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан 30 нафар информатика ўқитувчиси Жанубий Кореянинг Сеул шаҳридаги мактабларда бўлиб, таълим тизими, ҳамда ушбу фаннинг ўқитилиши борасида тажриба алмашиб қайтдик. Шундан сўнг информатика фани бўйича кўпгина янгиликлар қилинди.

— Ҳар бир фан албатта адабиёт орқали маълум бир чўққига чиқади ва ютуқларга эришади. Аммо бу икки соҳани бир-биридан айро тасаввур қилишга интиладиганлар ҳам йўқ эмас. Бу борада сизнинг қарашларингиз қандай?

— Институтга киришимиздан олдин физика-математика фанлари номзоди Мирфозил Мирзаахмедов бизга тайёрлов курсларида дарс ўтарди. У киши математика сабоқларини бошлашдан олдин Алишер Навоий ғазалларидан ўқиб беради. Математика, физика, лирика билан бир-бирига узвий боғланган фанлар эканини шунда ҳис этганман. Бу соҳа вакиллари орасида адабиётга қизиқмаган устозлар бўлмаса керак. Аниқ фанларни муқаммал билган инсонлар орасидан ҳам машхур ёзувчилар, санъаткорлар етишиб чиққан. Оташнафас ҳофиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Тоҳиддин Муродов ҳам асли математика фани ўқитувчиси бўлганлар. Яна бир ҳамкасбимиз Иброҳимжон Исоков мумтоз кўшиқларни маромига етказиб ижро этарди.

Мен ҳам информатика фани дарсида ўқувчиларга алгоритм, позиция санок системалари тушунчаларини ўқитишда буюк аждодларимизнинг ҳаётларидан қизиқарли воқеалар, ривоятлар-

ни сўзлаб бераман. Шунда математика билан адабиёт ўртасидаги масофа янада яқинлашади. Бу шоғирларимни дарсларни муқаммал ўзлаштиришларига ёрдам беради.

— Электрон шаклдаги китоблар ҳам болаларнинг тасавури шаклланиши ва билим даражаси юксалишида ҳақиқий китобдек таъсирчан кучга эга бўла оладими?

— Бугунги кунда "Kitob.uz", "Ziyo.net" каби сайтлар орқали мактабдаги барча дарсликларнинг электрон шакли компьютерга жойлаштирилган. Замон тараққиёти ҳақиқий китоблардан ҳам уларнинг электрон шаклидан ҳам мутаносиб равишда фойдаланишни тақозо қияпти. Аммо ҳақиқий китоб ўқиғанида бола ўзини бошқача ҳис қилади. Ёшлигимизда "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён" романлари, халқ эртакларини жуда таъсирланиб ўқирдик ва ҳеч кимга сездирмай йиғлаб ҳам кўярдик. Бадиий китобларни дарс пайтида партанинг тагига, тиззамизга кўйиб яширинча ўқиб, ўқитувчилардан дакки эшитган пайтларимиз ҳам бўлган. Бола китоб ўқиётганида унинг кўзи, қўли ҳаракатланади, фикрлайди, ҳис қилиш қобилияти ривожланади, энг асосийси, китобда имло хатолар бўлмайди. Китобларнинг электрон нусхасини компьютердан ўқиётганида эса фақат ахборот олади, кўзи югуради аммо таъсирланиш ҳиссини жонли китобдан олганчалик ололмайди. Ундан ташқари электрон нусхадаги китобнинг имло хатолари учун ҳеч кимни айблай олмаимиз. Шунинг учун ҳам болалар ҳақиқий китобдан баҳраманд бўлишини оилада ота-оналар, мактабда ўқитувчилар тарғиб қилишлари керак.

— Оила аъзоларингизнинг китобхон деб айта ола-сизми?

— Онам раҳматли Сабиха Абдужалилованинг касби шифокор бўлган. Ёшлигимизда ўқиган китобимизнинг мазмунини айтиб беришимизни талаб қиларди. Отам эса: "Қаерда яхши китоб кўрсанг, сотиб ол, бир кун келиб, у бебаҳо бойликка айланади", деган насихатни кўп такрорларди. Шу тарика оиламизда яхшигина кутубхона шаклланди. Турмуш ўртоғим, врач-кардиоревматолог Дилоромхон Юсупова ҳам фарзандларимизнинг китобга меҳрли бўлиб улғайишини ҳамиша назорат қилди. Қизим Фазилатхон болалар шифокори, ўғлим Абдуазим божхона хизматчиси, кенжамиз Абдуҳамид Тошкент давлат Молия институтининг биринчи курс талабаси. Тўрт нафар неварам бор. Улар учун ҳам туғилган кун, байрамларда энг яхши совға — бу китоб. Отамдан қолган китоб жавонини тўлдиришга ҳар ким ўз ҳиссасини қўшиб келаяпти.

"Оила ва жамият" мухбири
Нигора РАҲМОНОВА
сўхбатлашди.



ЯКСОН — биз одатда бу сўзни фақат бир маънода, "йўқ қилмоқ" маъносига тушунаимиз. Лекин бу сўзнинг асл маъноси бошқачароқ. Адабиётимизда ҳам бу сўз икки хил маънода — ҳам ижобий, ҳам салбий маънода қўлланади. "Яксон" сўзи "бир-хил", "бирга", "ўхшаш", "бирга тенг" деган маъноларни англатган.

Кимники, инсон десанг, инсон эмас, Шаклда ҳам, феълда ҳам яксон эмас.

Алишер Навоий

МАЪМУР ВА МЕЪМОР — тилимизда "маъмур" сўзи "ободлик", "тўкин сочинлик", "фаровонлик" маъноларини англатади. "Маъмур" сўзи билан "меъмор" сўзи асли битта илдиздан ўсиб чиққан. "Меъмор" сўзи "қурди" деган мазмунни ифодадалаган. Дарҳақиқат, қуриш ҳам мантиқан ободликка алоқадор. "Маъмурият" сўзи ҳам айна шу илдиздан пайдо бўлган.

Юрт маъмуригининг меъморларимизга ҳам боғлиқ жиҳатлари кўп.

Газетадан

АПРЕЛЬ — "Апрель" сўзи тилимизга латин тилидан кириб келган. Латинчада "aprilis" сўзи "куёш иситадиган" деган маънони англатган. Тилимизда апрель ойи "найсон" ва "ҳамал" сўзлари билан ҳам ифодаланади. Апрель ёмғири ҳам "найсон" деб аталган. "Ҳамал" эса, шамсия йил ҳисобидеги йилнинг биринчи ойи номини ифодалайди. Ҳамал ойи 22-мартдан 21-апрелгача давом этади.

Апрель келиб, қир-адирлар қизил-яшил тусга кирди.

Журналдан.

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

«Лабларида табассум, кўзларида чексиз меҳр уммони мавжланган чехра. Жажжи кўлчаларимдан тутган иссик бармоқлар. Хаётимни зиё нурига чуллаган инсон...»

Болалигимнинг мурғак оламига ўз илми билан кириб, кўлимга қалам тутқазган, ўқишни, сўзинг инжа сирларини ўргатган устозларим ҳақида ёзишга кўпдан бўён чоғланаман. Бирок, айни шу нуқтага келганда тўхтаб қоламан. Уларни таърифлашга сўз тополмайман.

Мен ҳануз кўмсайдиган меҳр ва жонкуярлик уларнинг юз-кўзи ва сўзларида мужассам эди. Ўртоғимиз билан арзимаган бир нарсани талашганимизда, синфни бошимизга кўтариб тўполон қилганимизда, кўчада ўйноқлаб, дарсга кечикиб келганимизда ҳалимлик билан бизни уялтирдан, кечирим сўрашни-да, бошқаларни кечирини-да ўргатган ўқитувчимизнинг қаттиққўлигидан ранжиган кезларимиз ҳам бор. Эндиликда эса мазкур сабоқлар туфайли тартибли, камтар, кечиримли, хатолардан сабоқ чиқара биладиган ҳамда ҳалол луқманнинг фарқига борадиган инсон бўлиб камолга етдик. Устозларимиз илму маърифат билан бирга одамийлик сабоқларини-да онгу шууримизга сингдиришди.

...Бир куни ишдан қайтаётсам, маҳалламизга кираверишда, кўча бошида Беҳрузжон ва Мирақбар исмли икки болакайнинг тортишуларига дуч келдим. Бири: «Санобар Каримовнага мен ўхшайман», деса, иккинчиси: «Йўқ мен», дерди. «Кўча-қўйда кўриб қолсангиз кўлларини кўксига қўйиб салом берадиган, бадбали болалар нега жанжаллашиб юрибди», деган ўйда уларнинг баҳслашуви сабаби билан қизиқдим. «Ким бўлсам экан?» мавзусида иншо ёзиш ўйга вазифа қилиб берилибди. Беҳ-

рузжон ҳам, Мирақбар ҳам ўқитувчилик касбини танлашиб, устозлари Санобар опага ўхшашни орзу қилишибди. Уйга қайтар чоғи суҳбат асносида ёзилажак иншо мазмуни аён бўлибди. Иккала синфдош ширин орзуларини бир-биридан қизганиб талашаётган экан.

Боланинг кўнглига йўл топиб, сир-

лойиқ, — дейди Олот туманидаги 2-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси Зайнаб Бозорова. — Ҳеч бир бола «иккичи» бўлиб дунёга келмайди, қобилият ва имкониятларни тўғри йўналтира олмаслик натижасида ўқувчи дарс машғулотларини ўзлаштиришдан ортда қола бошлайди. Бора-бора паст баҳо

ЙЎЛИМИЗНИ ЁРИТГАН ЗИЁ



дошига айланиш машаққатли иш. Баъзан оналар ўз боласининг дилидагини билолмай хуноб бўлиб юрадilar. Устоз кўнгли худди ўқувчилариникидай бегубор ва тоза бўлади. Шунданми, бу меҳрибон зотларга ўхшашни ҳар биримиз орзу қилганмиз. Шу сабаб, улар каттаю кичикка ҳамиша суюкли.

— Ота-она зурриёдини дунёга келтиргани, болага ҳаёт бахш этгани билан муқаддас бўлса, ўқитувчи ва мураббийлар уларга инсонийлик сабоқларини бериб, ҳаётни танитгани учун падарларимиз қадар эъзозга

олиш одат тусига айланиб, у дангаса бўлиб қолади. Илмсизлик ана шу вазиятдан бошланади. Шу сабаб, мактаб остонасидан ичкарига қадам қўйган болалар энди бизга бегона эмас. Жамоа билан ўқувчиларимизнинг эртанги куни, келажиги учун дахлдор эканлигимизни яхши англаймиз. Мамлакатимизда таълим жараёнининг тубдан ислоҳ қилиниши дарс машғулотларида янги педагогик технологиялар ва жиҳозлардан

фойдаланиш имконини берди. Эндиликда олд қатордагилар фаоллик кўрсатиб, орқадаги ўқувчилар эса эснаб ўтирмайди. Синфни гуруҳларга бўлиб, турли ўйинлар билан ташкиллаштирилган дарс болаларнинг ҳар бири билан индивидуал ишлашга кўмак беради. Натижада, йилдан-йилга таълим жараёнининг сифат ва самарадорлик кўрсаткичлари ошиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундан ташқари, Президентимиз раҳнамолигида давлатимиз томонидан педагог ходимлар меҳнати мунтазам равишда моддий ва маънавий жиҳат-

Эътироф

дан кўллаб-қувватлаб келинаётганлиги, таълим муассасалари ва ўқитувчилар ўртасида турли кўрик-танловларнинг ташкил қилинаётганлиги уларнинг ўз устида мунтазам ишлаши ва замон билан ҳамнафас қадам ташлашларига туртки бўлмоқда.

Одамлар орасида юрсангиз турли тақдирлар, фикр ва қарашларга гувоҳ бўларкансиз. Бир аёлнинг бугунги давр ҳақидаги қарашлари ҳеч ёдимдан кўтарилмайди. «Отам инглиз тили ўқитувчиси эдилар, — дея хотирлайди у киши. — Мен бола эдим, лекин бугунгидай кўз ўнгимда, у замонларда ҳеч ким чет тилини ўрганишга қизиқмас, мактабларда инглиз тили дарс соатлари кам, шунданми, отам арзимас маош эвазига ишлардилар. Оиламиз камхарж, қозонимиз зўрга қайнарди. Дадамнинг мактабдан бошларини эгиб, ҳорғин ҳолда ҳовлига кириб келишлари хотирамда муҳрлиб қолган. Вақти келиб ўзбек боласи инглиз тилида ўз она тилида сўзлагандай мулоқот қила олади, дейишса биров ишонмасди. Бугунги кунни қаранг, тил ўрганишга талаб катта, ҳатто давлат сиёсати даражасида чет тилини ўқитишга эътибор қаратиляпти. Мактабни-ку, қўятуринг, богча ёшидаги болаларга ҳам инглиз тили сабоқлари берилмоқда. Қани эди, дадажоним шу ёруғ кунларни кўрганларида...»

Инсон умрини йўлга, ўзини эса йўловчига қийсшлашади. Дарҳақиқат, ҳар биримиз адоғи бор сафардамиз. Бу сафарда ягона ҳамроҳимиз — маърифат. Йўлимизни ёритиб, бизнинг онгу шууримизни мунаввар айлаган эса устозлардир. Уларга бошимиз ерга теккунича таъзимдамиз!

Маърифат АБДУХАМИДОВА,
журналист.
Бухоро вилояти.

Тошкент вилояти Қибрай тумани Ўнқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги

ФАЙЗИЕВ АБДУСАТТОР

фермер хўжалиги жамоаси

маърифат ва маънавият фидойиларини

мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг

нишонланаётган ўқитувчи ва мураббийлар куни билан

самимий муборакбод этади!



Реклама

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шимми, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой. 4 ой ўқиш, 2 ой амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 3 ой (2 ой ўқиш, 1 ой амалиёт).
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Олий торт безатиш курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 2 ой.
Жаҳон таомлари — 2 ой.
Аёллар сартарошлиги — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой (0 дан балансгача).
Элита парда ва чойшаблар тикиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тикиш олий курси — 1 ой.

Бичиш-тиқиш, моделлаштириш ва малака ошириш — 1 ой.
Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Тирноқ, киприк ўстириш ва дипеляция — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка). Тўкувчилик — 3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, рус тили — 3 ой, турк тили — 3 ой, корей тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тикиш — 2 ой.
Декоратив гул ясаш — 1 ой. Сарпо қути ва саватлар ясаш — 1 ой.
Бисердан гуллар, даррахтлар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сабзавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.

Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона. МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехкон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).

ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамза тумани Фарғона йўли кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қуйлик кийим бозори рўпарасида.

ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

БИР ҲОВУЧ ДУР

Ортиқча кўнгилхушликлар ортиқча ташвишларни бошлаб келади.

Демокрит

ЭЪЛОН!

Шералиев Холбой Махмасолиевич номига 2004 йил 4 ноябрда берилган Тошкент шаҳар Акмал Икромов тумани Чилонзор даҳаси 14-мавзе, 24-уй, 75-хонадоннинг реестр №12951-сонли уй ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

— Дада, энди аям келмайдими?
— Келади ўғлим, келади.
— Қачон келади?
— Баҳорда, кўламда келади бо-
лам. Оппоқ лайлак бўлиб учиб кела-
ди.
— Йийи... Аямми қанотлари бор-
ми?

— Ҳа...
— Шу уйимизга келадимми?
— Йўқ. Хув анави Қодир бобо бор-
ку, — ота шундай деб тўрт яшар ўғлига
қараб олди, — танийсанми уни?

— Халиги, дарвозасининг олдида
бала-а-анд минораси бор Қодир бо-
боби?

— Ҳа, аянг худди ўша минора те-
пасига келиб кўнади.
— Баҳорга оз қолдими, дада?
— Кунлар исияпти, яна йигирма
кунча бор-да.

Бола кун саношин билмас, фақат
ухлаб туриш саногини билгани учун
дадасини яна саволга тутди.

— Неччи марта ухлаб турсам ба-
ҳор келади?

— Йигирма марта ухлаб турсанг,
— у шундай деб болага панжаларини
ёзиб тушунтирди, — манави ўнта, ма-
нави йигирмата.

Бола шу кундан бошлаб, ҳар кун
тонгда кўрсаткич бармогини тепага
кўтариб, дадасидан
“Бир кун ўтди-а?”,
“Икки кун ўтди-а?”,
деб сўрайдиган, дада-
си “Ҳа”, дея жавоб бе-
радиган бўлди. Кунлар
шу зайлда ўтаверди.

Ҳар кун ўғли саволга
тутганида ота бир
галати аҳволга тушар,
юрак-бағри қон бўлар-
ди. Бола онасини со-
ғинганди. У билан
кўришадиган фурсат
тобора яқинлашаётган-
нидан завқланар, ўша
кунни орзиқиб кутар-
ди. Ота бу санок мур-
дати тугаганида, йи-
гирма кун ўтгандан
кейин нима қилишини,
ўғлига нима деб жавоб
беришини ўйлаб, на-
фаси ичига тушиб кетарди. Ҳамма
болани алдаш мумкин-у, аммо она-
сини қўмсаётган, кечалари тушлари-
да фақат онажонисини кўраётган,
унгагина талпинаётган, кўчада боласи-
ни етаклаб кетаётган аёлларга мун-
гли кўзларини мўлтиратиб қараб,
ортидан маъюс тортиб, ичкиб бораёт-
ган шугина болани ҳеч нима билан
чалғитиш, авраш мумкин бўлмай
қолди.

Бир кун, ҳали боланинг саногини
охирига етмай туриб, тонг саҳарда
ўғлининг жойида йўқлигини кўриб,
ота кўркиб кетди. Бу пайтда бола Қодир
бобонинг эшиги олдидаги, ўша мино-
ранинг рўпарасида турарди.

Дарвоза қия очилиб, кўчага ўрта
бўйли, эгнига оппоқ ятак кийган,
устидан қора чопонини ташлаб олган
бир қария чиқиб келди. У минорага
термилиб турган болани кўриб,
атайин томогини қирди. Бола чолга бир
қаради-ю, шу заҳоти яна бошини кўта-
риб, юқорини кузатишда давом этди.

— Ҳой бола, кимнинг ўғлисан? —
деб сўради оқсоқол.

— Муҳаммаджон акани, — бийрон
жавоб берди бола.

— Ие, Робия кампирнинг невараси-
симисан?

Бола жавоб ўрнига тасдиқ маъно-
сида бошини ликилатди.

— Ҳўш, каллаи саҳарлаб бу ерда
нима қилиб турибсан?

— Дадам айтувдилар, аям шу ёққа
лайлак бўлиб учиб келаркану, кейин
мана шу минорани тепасига қўнар-
кан. Мен аямни кутяппан...

Чол боланинг сўзларини англол-
май, бир зум караҳт бўлиб қолди. Гап

унинг ўлган онаси ҳақида кетаётгани-
ни фаҳмлаб, бўғзига бир нима тики-
либ келди. Қаттиқ бир йўталиб ютин-
ди-ю, бўғзидагини нари кетказди.
Ортига юриб, ҳовлисига кириб кетди.

— Ҳалиям кутяпсанми? — деди у
болани эртаси кунни ҳам шу ерда уч-
ратиб.

— Ҳа, кутяппан, бугунми, эртами
келиб қолар, — боланинг кўзларидан
умид учкунлари чакнаб турарди.

Чол унинг сочларини силаб кўяр-
кан, онасини интиқиб кутаётган бу
болани қандай овутишни билолмай,
маъюсгина бош эгиб нари кетди.
Кўзларидан икки томчи ёш юмалади.
Унинг елкалари кунушиб, жуссаси
кичрайгандек эди шу тобда.

Учинчи кун ҳам бола Қодир бо-
бонинг дарвозаси рўпарасида, мино-
рага кўз тикиб турарди. Бу сафар чол
унга ҳеч нима демади. Уйчан нигоҳ-
лари билан унга узок вақт термилиб
қолди. Боланинг мана шу туришида
жуда катта қатъият бор эди. Умид бор
эди. У атрофга аланглас, чалғимас,
бутун диққатини минора учига қарат-
ганди. Бу қатъият чолга ҳам юқан-
дек бўлди. Қодир бобо шахдам одим-
лаб боланинг қаршисига борди-да,
унинг елкаларидан ушлаб, кўзларига
боқди. Ва бирдан:

— Лайлак келди-ю, сен ҳали
кўрмадингми? — деб сўради.

Боланинг мунчоқдек кўзлари пир-
пираб кетди. Ишонқирмагандек, бир
минора учига, бир чолга кўз ташла-
ди.

— Чинданми, аям келдимми? — деди
ҳовлиқиб.

— Оппоқ лайлакни айтяпсанми,
ахир?

— Ҳа, Қодир бобо, шунни айтяппан.

Оппоқ лайлак менинг аям бўлади.
Нима, у кетиб қолдими? — Бола шу
галларни айтаркан кўзлари жиққа
ёшга тўлди.

— Йўқ, кетмади. У шу ерда, менинг
ҳовлимда юрипти. Ўзинг кўрасанми?

Бола чолнинг бағридан отилиб чиқ-
ди-да қия очик дарвозагача чопиб
борди. Ҳовлига аланглаб, бир зум
тўхтаб қолди. Шу пайт ичкарида ҳовли
супураётган оппоқ кўйлақдаги аёлга
кўзи тушди. Шу тобда у ҳеч нарса
англамас, ўйламас эди.

— Ая-я-я-я! — дея ҳайқариб, ҳов-
лига ўзини урди.

Ўзи томонга “ая”лаб келаётган бо-
лаи кўрган жувон аввалига ҳеч нар-
сани тушунмади. Кейин бирдан бола-
ни таниди. “Ахир унинг онаси казо
қилганди-ку” деб ўйлади юраги уви-
шиб. Беихтиёр болани бағрига олди.

— Келдийми ая? — бола аёлни
маҳкам кучди, кейин кўксига бош
қўйди. — Ая, аяжоним. Мен сиззи жуд-
даям соғиниб кеттим, ая!

Жувон болани ранжиттиси келмай,
бағрига босганча, бошини силаб-
сийпалар, пешонасидан ўпиб кўярди.

Ниҳоят онасини зўрга топиб, иссиқ
бағрига бошини қўйган бола уни ҳеч

Буни ҳаёт дейдилар

қўйворгиси келмас, шу кўйи жажжи
кўлчалари билан оқ кўйлакли аёлнинг
бошини, елкаларини силаб-сийпалар,
онасининг исини топгандай унинг
бўйнидан тўйиб-тўйиб хидларди.

Боланинг ортидан ҳовлига кириб
келган Қодир бобо келинига ўн кадам-
ча қолганида таққа тўхтади. Бобо ана
шу ердан туриб, ўзини онаси дийдо-
рига етишган ҳисоблаётган мурғак
қалбни, унинг қувонч кўз ёшларини
кузатар, шу топда у ҳам бола билан
баравар қувониб, жилмайиб турарди.
Шу туришида икки-уч кундан бери
кўнглидан ўтаётган пинхона ўйлари
беихтиёр юзага қалқиб чиқди: “Ўғлим-
ни бағримдан юлиб олиб, менга фар-
занд доғини раво кўрдинг. Буюкда ке-
лимим бечорани ёш туриб, бир ўғли
билан бева қолдинг. Энди бўлса,
мана бу мурғак болани онасидан ай-
ририб, тонг саҳарлаб оstonамга кел-
тириб, мени эса унинг истиқболига
қорлаб, бу иккала бағри куйкининг
тақдирини боғламоқчимисан-а? Ё қуд-
ратингдан...”

— Ая, энди кетмайсиз-а? — бола-
нинг овози чолнинг ўй-хаёлини буз-
ди.

Оқ кўйлакли жу-
вон сал нарида ўзи
билан болани гоҳ
жилмайиб, гоҳ маҳ-
зун тортиб, кузатиб
турган қайнотасига
ийманибгина кўз
ташлади. Чол: “Бо-
лага далда бўл”, де-
гандай келинига
маъноли ишора
қилди.

— Йўқ, энди кет-
майман, болажо-
ним, — келин шун-
дай дейишга деди-
ю, қайнотаси олди-
да ноқулай аҳволга
тушиб, юзлари қи-
зариб кетди.

Буни сезган оқ-
соқол кўча томонга
илдам одимлади.

— Менга аллалар, эртакла-ар ай-
тиб берасиз-а?

— Айтаман, ўғлим, айтаман, — қай-
нотаси чиқиб кетганидан аёл хийла
дадилланди, — Айтиб бераман. Ҳозир
айтайинми?

Бола бошини ликилатди.
— Ке, унда, сени кучоғимга олиб,
манави тўнғакка ўтириб олай.

Ҳовлида хиёл андиша болан аёл
меҳри уйғунлашган ҳазин овоздаги
она алласи янграй бошлади.

“Ухла болам, аллаё, алла,
Ширин кўзим, аллаё, ал-ла-а-а...”

Аёл кўзлари намлиқиб, эрта
сўнган ёридан айрилиқ ҳасратини
ўзининг ота меҳрига ташна фарзан-
ди-ю кўйнидаги онаизор боланинг
изтиробларига қўшиб, қуйлай бошла-
ди. Бола чуқур хўрсиниб олди, сўн-
гунгли хотиржам тортиб, кўзларини
осойишта юмди. Аёлнинг қалбидан
саховат уйғонди, меҳр уйғонди. Аста-
секин гам-андухни унутиб, болани
оналарни эъзозлашга, ўсиб, катта
бўлиб, миллатнинг доғруғини бутун
дунёга ёйишга, кўксини кериб, Вата-
нини ҳимоя қилишга қорловчи алла-
ни баралла айта бошлади...

Бу пайтда чол бола яшаб турган
ҳовлида, унинг энаси Робия кампир
хузурда ўтирар, уларнинг андиша,
изтироб ва кексаларгагина хос ақли
теранлик билан кечаётган суҳбатидан
кўнгли кемтик тўрт жоннинг тақдирини
бирлаштириш ҳақида қайғуриша-
ётганини англаш қийин эмасди...

Адҳамжон ИСКАНДАРОВ,
Фаргона шахри.

Қилмиш-қидирмиш

ФИРИБГАРНИНГ ТУЗОҒИ

...Бухоро шахрида яшовчи
Хайрулло Қаҳҳоров (исм-шариф-
лар шартли равишда ўзгартирил-
ган) замонавий “бизнесмен” ни-
қобидаги устаси фаранг товла-
мачи. Содда, ишонувчан одам-
ларни алдаб, қоп-қоп ваъдалар-
ни бериб, ўзгаларнинг мол-мул-
кига эғалик ҳуқуқини қўлга ки-
ритиб, қасддан фибрибгарлик
жиноятини содир этди.

Кутилмаганда унинг тузоғига
интернет орқали танишган Алишер
Очилов тушиб қолди. Хайрулло ав-
валига хорихда пул топиш илинжи-
да юрган Алишернинг йиғиб қўйган
каттагина маблағи борлигини би-
либ, ўзини унга Бухоро шахрида
“Рояль” номли атир совун ва шам-
пунларни сотиш билан шуғулланув-
чи расмий дилер деб таништирди.
Ва яқин орада ушбу маҳсулотни
ишлаб чиқарадиган усхунани олиб
келиш ҳаракатида юрганини ва шу
номдаги атир совунлар ишлаб чи-
қаришни йўлга қўйиб, республика-
нинг ички бозоридан фақатгина “Ро-
яль” атир совуни ишлаб чиқариш ва
сотиш ваколати ҳуқуқига фақат
уларгина эга бўлиши мумкинлиги-
га соддадил юртдошини ишонтира-
олди. Гап орасида ўз бизнеси ор-
тидан Бухоро шахрида 5-6 та “Да-
мас” автомашиналари ҳам йўна-
лишларда қатнаётганлигини, хатто
ёлланма хайдовчиларга 700-800
АҚШ доллари миқдоридан ойлик
маош бераётганлигини, қолаверса,
ҳаж зиёратига бориб келганлигини,
иймонли-этиқодли эканлигини
айтиб Алишерни тузоққа илинтир-
ди.

Буни қарангки, фибрибгарнинг
алдовларига чиппа-чин ишонган
Алишер қариндошлари орқали
200.500.000 сўм пулни Хайруллога
етказди. Пихини ёрган Хайрулло
бўлса ушбу пуллари олиб, ўз эҳти-
ёжларига ишлатиб, ҳар хил баҳо-
наларни тўқиб, Алишерни алдаб
юраверди. Фарангнинг жазо мука-
риб, деганларидек, Хайруллонинг
қилмишлари ҳуқуқий идоралар то-
монидан фош этилди ва жиноятчи
ўз қилмишига яраша жазосини
олди.

Лекин шу ўринда ҳақли савол
туғилади: хўш, бор-йўғи интернет
орқалигина танишган бир кимсан-
нинг ёлгон ваъдаларига ишонган
Алишер, нахотки, шунча миқдорда-
ги пуллари бутунлай нотаниш,
кўрмаган-билмаган одамга бериб
юбораверди? Ахир, унинг ҳам ёнида
танишлари, қариндош-уруғи, ма-
ҳалла-қўйдагилар бор эди-ку? Бу
жиноятнинг содир этилишига, ав-
вало, ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билма-
ган Алишернинг ўзи ҳам сабабчи
эканлигини унутмайлик.

Дилмурод ТўРАЕВ,
Бухоро шаҳар Ички ишлар
бошқармаси
тергов бўлими терговчиси,
катта лейтенант.



УМИД МИНОРАСИ



УЧТАЛИК СКРИПКА

АҚШнинг Мичиган штатида яшовчи дизайнер-рассом Алекс Соболев учта скрипкани бирлаштириб, ноанъанавий мусиқа чолғусини ўйлаб топди ва уни "triolein", яъни учғижжак ёки учскрипка деб номлади. Учталик скрипканинг конструкцияси, табиий-ки, бир олам саволларни келтириб чиқарди. Масалан, уни чалаётган уч созанданинг кўлларидаги камонлари бир-бирларига халал бермайди-ми, агар шўхчан оҳанглар ижро этилса, чолғучиларнинг эмоционал ҳаракатлари туфайли скрипка бўлиниб кетмайдими, тасодифан торлардан бири узилиб кетса, учала мусиқачи



бир вақтнинг ўзида ўзларини ҳимоя қила оладиларми? Яна бир қизиқ саволга сабаб жихати шуки, бу чолғуни чалиш жараёнида созандалар соат миллари йўналишида ёки аксинча бўлган томонга айланиб ҳаракатланиши талаб қилинар экан. Хўш, нега энди улар айланиб туришлари керак? Ва ниҳоят, бу учталик скрипкага ўрганиб қолган созандалар унга эгалик қилиш учун баҳслашиб қолишмайдими? Ахир чолғу фақат бир кишига тегишли бўлади-да. Яъни, уни учга бўлиб, уйга олиб кетишнинг иложи йўқ-ку... ва ҳоказо саволлар...

Сиз суратда кўриб турган скрипка ҳали санаб ўтган саволларимизга муносив жавоб "излаш" да да во м этмоқда.



Этибор берган бўлсангиз, созандалар скрипкани одатдагидан фарқли ўлароқ, тескари тутиб туришибди. Демак, "triolein" скрипкadan кўра виолончель ёки контрабасга ўхшаб кетади. Аммо, ихчам, чиройли. Гарчи ихчам, чиройли, антика кўринмасида, мусиқа усталари ва шайдолари томонидан унинг омма-лашишига ҳеч кимнинг кўзи етганича йўқ.

Шундай бўлса-да, Алекс Соболев ўз фантазиясининг муваффақиятидан умид узгани йўқ. Аксинча, бир вақтнинг ўзида электрон скрипканинг янги, замонавий авлодини яратиш устида бош қотирмоқда.

Наргиза СИДДИҚОВА
тайёрлади.

“Бахтли бўлинг”

саҳифаси

ДАДАМНИ ЎЙЛАЙМАН

Оилада икки қиз, икки ўғилнинг кенжасиман. Онам бундан беш йил илгари оғир касалликка чалиниб, оламдан ўтиб қолди. Дадам кўп йиллар мактабда ишлаб, нафақага чиққанлар. Касбим ҳарбийлик бўлгани сабабли оилам билан бошқа вилоятда яшайман. Дадам уйда ёлғиз қолади. Акам алоҳида, бошқа ховлида яшайди. Опаларим навбатма-навбат отамдан хабар олиб туришади. Ҳозир, биласиз, ҳаммининг ташвиши ўзига етиб ортади. Дадам каттақон боғимизда қишин-ёзин дарахтлар парвариши билан банд. Мен уларнинг ёлғизлигидан хавотирланаман. “Биз билан бирга яшанг”, десам қариндош-уруғларни, туғилиб ўсган қишлоғини ташлаб кетгиси келмайди. Нафақага чиқишимга ҳали саккиз йил бор. Куну тун хаёлим дадамда, еган-ичганимда, юриш-туришимда ҳаловат йўқ. Опаларим топган аёллар у кишига маъқул келмаяпти. Дадамнинг ёши 62 да. 50-55 ёшгача бўлган, Андижон, Наманган вилоятларида яшовчи, бола-чақа ташвишидан холи аёллар бўлса, хабар берсангизлар.

ЗОҲИДЖОН,
Фаргона вилояти.

СИНГАН КЎЗАНИ ЯМАБ БЎЛМАС

Ўғлим Самандар касб-хунар коллежининг биринчи босқичини тугатган пайти ёзги таътилда ишлайман, деб туриб олди. Ҳали ёш, ўқиб, билимини оширсин, ишлаш қочиб кетмайди, десам, дадаси: “Ўғил болага етмиш хунар оз, устачиликни ўрганиб кўйса бир қунига асқотади”, деб ишлашига рухсат берди. Ўғлим қишлоқдаги усталарга шогирд тушди. Биринчи ой унга яхшигина маош тўлашди. Бу пулга ўзига кийим-бош сотиб олди. Кейин пулга қизиқиб, пойтахтга ишлагани кетди. Энг аянчлиси, уйдан ўз оёғи билан соппа-соғ чиқиб кетган болам, қўлтиқтаёқда кириб келса бўладими. Кўриб хушим бошимдан учди. Ўзининг айтишича, бир бинонинг учинчи қаватидан йиқилиб, оёғини синдириб олибди. Ноилоҳ қолғач, уйимиздаги мол-қўйларни сотиб, даволатдик. Синган кўзани ямаган билан чандиғи билиниб қолаверар экан. Ўғлим оқсоқланиб юрадиган бўлиб қолди. Совчиликка борган хонадонлар боламнинг айбини юзига очик айтишмасида, юз-кўзларидан нима демоқчи эканликларини сезиб, индамай ортга қайтаман. Самандарнинг ёши 29 да. Пойафзал тикиш устахонасида ишлайди. Бир меҳрибон қизни бахтли қилишга имкони бор.

ЖУМАГУЛ,
Сирдарё вилояти.

ЭГИЗАКЛАР ЖУФТ ҚИДИРАДИ

— Тошкент шаҳрида яшаймиз, — дейди ўзини Ҳасан деб таништирган йигит. — Бу йигит эса укам Ҳусан. Ёшимиз 37 да. Маълумотимиз ўрта. Туманимиз марказида жойлашган корхонада ишчи бўлиб ишлаймиз. Отамиз ёшлигимизда оламдан ўтиб кетган. Иккита опамни турмушга узатайлик, кейин ўзимиз уйланамиз, деб юрaverибмиз, бу ёқда вақтни қандай ўтгани билмай қолибмиз.

Тошкент вилоятида яшовчи, холамнинг кизи Дилноза ўтган йили сизларнинг кўмагингиз билан “Бахтли бўлинг” рўқни орқали яхши бир йигитга турмушга чиққанди. Бу гапдан нафақат қариндошлар, балки ҳамқишлоқлари ҳам хабардор. Кўз тегмасин, ҳозир бахтли яшашаяпти. Шу воқеадан хабар топган онам бўлса анчадан бери шу газетанинг ҳар бир сонини синчиклаб кузатиб боради. Яқинда “Оила ва жамият”нинг 38-сонида “Ҳечдан кўра, кеч ҳам яхшидир” номли мақола муаллифи, навоийлик Диёранинг мактубини ўқиб, Ҳусан Диёра билан, мен унинг опаси Моҳиғул билан танишиб, суҳбатлашиб кўрсакмикан, деб ўйлаб қолдик. Мумкин бўлса, шу қизларнинг телефон рақамлари ҳамда манзилини берсангиз.

ҲАСАН-ҲУСАН,
Тошкент шаҳри.

ИЧКУЁВ ЭМАС, ЎГИЛ БЎЛАМАН

Бундан ўн икки йил илгари дадам бир аёлни ёктириб қолиб, онам ва бизларни ташлаб кетди. Шундан буён хат ҳам, хабар ҳам йўқ. Мен-ку эсимни танигандим, аммо укам билан синглим жуда ёш эди. Онам бечора бизларни бошқалардан кам қилмай ўстириш учун тиним билмай ишлади. Ўша пайтлар тез-тез буйрақлари оғриб турар, даволанишга имкони бўлмагани учун дори ичиб, кун ўтказарди. Йиллар ўтгач, касаллик ўз асоратини кўрсатиб, онам ётиб қолди. Рўзгорнинг бутун ташвиши менинг зиммамга тушди. Синглимни узатдим, укам онамга қарайди. Маҳалладош йигитлар билан пойтахтда новвойлик қиламан. Кўлимда хунарим бор, топиш-тутишим яхши. Аммо онамнинг дори-дармонлари ва рўзгордан ортириб, уй-жой қилолмадим. Ёшим 27 да. Ичкуёв қилишни истовчи ота-оналар бўлса, ўғил ўрнини босишга ҳаракат қиламан. Мен уйланадиган қизнинг бирор нуқсонини бўлса ҳам майли. Буни ҳеч қачон унинг юзига солмайман. Ниятим, бахтли оила куриб, шириндан-шакар фарзандларга ота бўлиш.

ЗАФАР,
Наманган вилояти.

КЎЗИМ КЕЧ ОЧИЛДИ

Ёшим 28 да. Етти яшар қизчам бор. Турмуш ўртоғим ёлғиз ўғил бўлгани учун ота-онаси ҳаммиса унинг кўнглига қарашган. Касб-хунари йўқлиги ва бирор жойда тайинли ишлолмагани учунми, оила, рўзгор деган тушунчаларни умуман ҳис қилмасди. Топган уч-тўрт сўм маблағини кўчага, ўзининг кайфу сафосига сарфларди. Катта ховлининг юмушлари, молларга ва томорқага қараш менинг зиммамда эди. Қайнонам бир ишни тугатмасимдан, иккинчисини тайёрлаб турарди. Баъзида қизимни баримга босиб ухлагча ҳам зор бўлардим. Чунки у эртаю кеч қайнонам билан бирга эди. Беш ойлигида қайнонамнинг турткилаши билан боламни кўкракдан айирдим. Иккинчи ҳомилам туғилмай, қорнимда нобуд бўлди. Ўша кезлари туни билан белим оғриб чиқар, бу ҳақда қайнонамга айтсам, ўтиб кетади, дерди. Оғриқ кучаявергач, онам шифохонага олиб борди. Бефарқлигим сабаб, бачадонда пайдо бўлган киста тухумдонларга ҳам ўтиб, операция орқали ҳар икки тухумдонимни олиб ташлашга тўғри келди. Фарзанд кўриш имкони қолмаганини эшитган қайнонам ўша кундан бошлаб бизни ажратиш ҳаракатига тушиб қолди. Қонуний ажрашмасимиздан туриб ўғлини ёши ўтган бир қизга уйлантирди. Тўққиз йиллик умримга эмас, бой берилган соғлигимга ачинаман. Кўзим кеч очилди. Отамникига қайтгач, ўқув марказида ўқиб, хунарли бўлдим. Ҳозир модалар уйда ишляяман. Топиш-тутишим ёмон эмас. Қизим бу йил биринчи синфга қадам қўйди. Уни ўқитиб, шифокор қилиш ниятидаман. Уй-жойи, касби-кори тайин, бир-иккита фарзанди бор эркак бўлсаям майли, ўша инсон билан турмуш куриб, бахтим бутун бўлишини истайман.

ШОҲИСТА,
Хоразм вилояти.

ТАҲРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН:
(8-371)234-25-46

**Ўткир ҲОШИМОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси****КАМЧИЛИК**

Ҳақиқат кўп улуг нарса-ку, битта камчилиги бор: ҳар доим ҳам ширин бўлавермайди. Аччиқ ҳақиқат фойдали нарса-ку, унинг ҳам битта камчилиги бор: ҳар кимга ҳам ёқавермайди...

ЖАЗО

Камбағални урма-сўкма, ёқасини йирт!
Хотинингни урма-сўкма, сериални ўчириб қўй!

"МУХЛИС"

Бозорга кирдим. Олма олмоқчи эдим.

— Икки минг сўм, домла. Сизга икки минг сўм! — деди сотувчи йигит шанғиллаб.

— Бошқаларга-чи? — десам.
— Бошқаларга бир ярим минг, — дейди.

Ҳайрон бўлдим.
— Нечун бизга бунча меҳрибонлик?
— Сизники таварук-да, домла! — деди илжайиб. Уйдагиларга мақтана-

ман. Яхши кўрган ёзувчим бир ярим минг сўмлик олмани икки мингдан олдилар дейман.

— Шунақами? — дедим кулиб. — Бўпти, икки кило тортинг!

Сотувчи икки кило олмани танлаб-танлаб елим халтага солиб берди. Кўлига икки минг сўм берган эдим, ҳайрон бўлди.

— Кам-ку, домла?
— Мен ҳам уйдагиларга мақтанаман. Бозорда зўр мухлисим бор экан, бир ярим минг сўмлик олмани менга минг сўмдан сотди, дейман.

— Домлажон... — бу сафар сотувчининг овози ялиниброк чикди. — Келинг, эл қатори бўлақолсин, яна минг қўшсангиз, раҷчўт бўламиз...

"ТУТИНГАН" ЎГИЛ**(Бир дўстимнинг иқрори)**

Амал курсида ўтиргангизда ким энг кўп товонингни яласа, курсидан тушганда ўша биринчи бўлиб сендан юз ўгиради деганлари қанчалик тўғри эканига ўзим ишонч ҳосил қилдим.

Бир қариндошим бор эди. Кунора кўнғироқ қилиб, ҳафтада келиб турар, шифохонага тушиб қолсам,

Кўзгу

"овора бўлманг", дейишимга қарамай, ҳаммадан аввал етиб борар, таътил пайтида Ўзбекистоннинг қайси бурчагида дам олмай, топиб борар, "бир чўкимгина" ош қилмаса кўнгли жойига тушмас эди... Буниси ҳам майли, икки гапнинг бирида "мен сизни отам деганман, сиз менинг отамсиз", деб Худони ўртага солиб, қасам чинди...

Мансабим жандай ўзгарган эди, "болам"ни йўқотиб қўйдим. Суриш-тирсам, бошқа ота излаб юрган экан...

ҚАРЗ

Болам бемехр чикди, нукул ўзининг болалари билан андармон деб, кўп ҳам ўкинманг. Балки сизга адолатсизлик бўлиб туюлаётган нарсанинг ўзи адолатдир... Сиз ота-онангиздан олган қарзни болангизга берасиз. Болангиз — ўзининг боласига... Ҳаёт занжири узилмаслиги керак-ку...

"Дафтар ҳошиясидаги битиклар"дан.

ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАР ТЕНГ

Ўзбекистон фуқаросининг чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахс билан никоҳ муносабатлари қандай тартибда амалга оширилади?

**Н. Тургунова,
Ховос тумани.**

— Оила кодексининг 234-моддасида Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар оилавий муносабатларда мамлакатимиз фуқаролари билан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга эканлиги белгилаб қўйилган. Никоҳ тузиш тартиби ва уни расмийлаштиришда белгиланган шартлар республикаимиз фуқаролари билан бирга юртимизда яшаётган чет элликлар учун ҳам тааллуқлидир. Оила кодексиди белгиланган нормаларга зид ва никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатларда амалдаги қонунчилигимизга мувофиқ никоҳни қайд этишга руҳсат берилмайди. Шу боис ФХДЭ органи ходимлари томонидан Ўзбекистон фуқароси билан чет эл фуқароси ўртасида никоҳ тузишга монелик қилувчи ҳолатлар бор-йўқлиги аниқланиб, буни тасдиқловчи ҳужжат талаб қилиб олинади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан никоҳланаётган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларининг вақтинча яшаш жойида тиббий кўрикдан ўтадилар.

Мамлакатимиз ҳудудида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги, шунингдек, чет эл фуқаролари ўртасидаги никоҳдан ажратиб Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

**Саволга Гулистон шаҳар 1-сон ДНИ нотариуси
Икром ҲАТАМОВ жавоб берди.**

**ЯШАШ МАНЗИЛИНИНГ
ДАХЛИ БОРМИ?**

Адвокат олиш учун яшаш манзилининг аҳамияти борми?

**Ж. Абдуллаев,
Кармана тумани**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги қарори билан тасдиқланган "Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги Низомга мувофиқ, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссияларининг қарорлари асосида берилади.

Лицензия Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қиладиган ва унинг амал қилиш муддати чекланмайди.

Шунга қўра, фуқаро яшаш жойидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган исталган адвокатга муражаат қилиши мумкин.

Саволга Навоий вилоят адлия бошқармаси масъул ходими Камолiddин СУЯРОВ жавоб берди.

**ҚУЛАЙ ВА
ҲИМОЯЛАНГАН**

Янги биометрик паспортнинг қандай қулай жиҳатлари бор? Паспортларни алмаштириш муддати қачон тугайди?

**З. Холмуродов,
Самарқанд вилояти.**

— Президентимизнинг 2011 йил 5 январдаги "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида мувофиқ

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг амалдаги паспорти 2015 йил 31 декабргача ҳақиқий ҳисобланади. Шунга асосан барча фуқаролар 2015 йилнинг якунига қадар биометрик паспорт олиши шарт. Биометрик паспортнинг фуқаро учун қулайлиги кўп. Биринчидан, у одатдаги барча маълумотлардан ташқари, эгаси ҳақида шахсий биографик маълумотлар, рақамли фотосурат ҳамда бармоқ излари туширилган биометрик параметрларни ўз ичига олган электрон чипга эга бўлади. Иккинчидан, юқори даражада ҳимояланган. Шу жиҳатдан, халқаро фуқаро авиацияси хавфсизлиги-

ни таъминлаш, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларнинг қалбақлаштирилишига қарши ҳимоя даражасини ошириш, давлат чегарасидан ўтишда шахсни тезкор ва аниқ идентификациялаш механизмларини такомиллаштириш, салқаро авиаташишлар сифати ва самарадорлигини янада ошириш, шунингдек, авиайўловчилар учун юқори даражадаги қулайликлар яратиш, турли жиноятларнинг олдини олишда муҳим омил саналади.

Саволга Нуробод туман ИИБ паспорт бўлини маси бошлиғи Зафар ЮСУПОВ жавоб берди.

**МЕДАЛЛАР
КЎПАЙМОҚДА**

XVII ёзги Осиё ўйинларининг навбатдаги кунда эркин кураш бўйича полвонларимиз биттадан олтин ва бронза медалини кўлга киритди.

Вазни 74 килограммгача бўлган эркин курашчиларнинг финал баҳсида эронлик Иззатуллохом Акбаризаринколайни мағлуб этган ҳамюртимиз Рашид Курбонов Осиё ўйинлари чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Яна бир курашчимиз Умиджон Исманов 86 килограммгача бўлган полвонлар беллашувида учинчи ўринни эгаллади.

Мусобақада полвонларимиз ҳам муносиб иштирок этишмоқда. Иктидорли спортчимиз Бекзод Абдурахмонов Жанубий Корея вакили Ох Манхога қарши кечган финал беллашувида тўлиқ устунлик билан галаба қозонди.

Жанубий корейлик курашчи финал баҳсининг охириги сониясида икки очко кўлга киритган бўлишига қарамастан, Бекзод Абдурахмонов рақиб устидан ишончли галаба қозонди.

65 килограмм вазн тоифасидаги полвонлар ўртасида учинчи ўрин учун кечган беллашувда И.Наврўзов япониялик Ишида Томотсугуни мағлуб этди.

Полвонларимиз кўрсатаётган юқори натижалар бошқа спортчиларимизни ҳам руҳлантирди. Жумладан, энгил атлетиканинг еттикураш беллашувларида ёш спортчимиз Екатерина Воронина олтин медалга сазовор бўлди. Мусобақанинг биринчи кунда у 100 метрга югуриш, балангликка сакраш, ядро улоқтириш ва 200 метрга югуриш бахсларида энг яхши натижалар қайд этиб, пешқадамликни кўлга олди. Мусобақанинг иккинчи кунда спортчимиз узунликка сакраш, найза улоқтириш ва 800 метрга югуриш бўйича ҳам тенгсиз эканини намойиш этди.

Яна бир спортчимиз Юлия Тарасова энгил атлетика бўйича икки кунлик мусобақани муваффақиятли якунлаб, бронза медалига сазовор бўлди.

Ушбу мусобақалар Ўзбекистон байдарка ва каноэчилари Осиёда етакчи ўринларни банд этиб тургани яна бир бор тасдиқлади.

Иктидорли спортчимиз Алексей Мочалов 1000 метр масофага байдаркада эшакка эшиш бўйича яққалик бахслари финалида асосий рақобатчилари — Эрон, Қозғистон ва Хитой вакиллари орта қолдирди.

Дунёнинг энг кучли каноэчиси, деб эътироф этилаётган В.Меньковга бу гал ҳам ҳеч ким тенглаша олмади. У 1000 метр масофага каноэда эшакка эшиш баҳсида Қозғистон, Хитой ва Жанубий Корея спортчиларидан олдинга чиқиб олди ва финишга биринчи бўлиб етиб келди.

**Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.**

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жағғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609



**Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Навбатчи муҳаррир — **Ҳамроҳон МУСУРМОҢОВА**
Саҳифаловчи — **Илҳом ЖУМАНОВ**
Мусахҳилар — **Сайдгани САЙДАЛИМОВ,
Мадина АЛЛАБЕРГАНОВА**

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амир Темуру кўчаси 1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1036. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 5920. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 233-04-35, 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 4 5